

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI**

**TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI**

**BYUDJET HISOBI VA DAVLAT JAMG'ARMALARI FAKULTETI**

**«BYUDJET HISOBI» KAFEDRASI**

**«BYUDJET HISOBI» FANIDAN**

# **R E F E R A T**

**Mavzu: Nomoddiy aktivlar hisobi**

**Bajardi: BH-80 guruhi  
talabasi Yusupov Sh.**

**Tekshirdi: \_\_\_\_\_**

**Toshkent-2014**

# МУНДАРИЖА

## Кириш

1. Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади, вазифалари ҳамда хусусиятлари
2. Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини ташкил қилишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари
3. Номоддий активларни ҳисобда акс эттириш амалиёти
4. Номоддий активлар киримини ҳисобга олиш
5. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш ҳамда номоддий активлар ҳолати ва ҳаракати бўйича ҳисоботларни тузиш

## Хулоса

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати

## Кириш

Бугунги кунда бозор муносабатлари шароитида ҳисоб объектларини янги кўринишлари юзага келиши барча хўжалик субъектлари бўлгани каби бюджет ташкилотларида ҳам бўлмоқда. Шулар жумласидан моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари бўлган номоддий активларни келтириш мумкин. Маълумки номоддий активлар моддий ашёвий кўринишга эга бўлмаган маблағларнинг бир тури бўлиб хўжалик субъекти фаолиятида асосий вазифаларни бажаради. Шунинг учун бюджет

ташкiлотларида ҳам номоддий активлар ҳисоби алоҳида юритилади ва улар бўйича тегишли бухгалтерия ахборотлари шакллантирилади. Бюджет ташкiлотларида бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳисобини юритишнинг услубий асослари шу жумладан номоддий активлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Халқоро стандартлар талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган “Бюджет ташкiлотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” йўриқномани қабул қилиниши номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритишда янги тартиб ўрнатилишига асос бўлди. Ўрнатилган янги тартибга мувофиқ номоддий активлар ҳисобини назарий ва амалий жиҳатларни илмий тадқиқ этишни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан реферат мавзуси бугунги кунда долзарб масалардан бири сифатида қаралмоқда.

## **1. Бюджет ташкiлотларида номоддий активлар ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади, вазифалари ва хусусиятлари.**

Республикамизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши туфайли корхона маблағлари ва маблағлар манбаларини, шунингдек, уларнинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услубида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлган ва тегишли назорат ўрнатилишини талаб этувчи хўжалик маблағларининг янги турлари пайдо бўлди.

Бозор муносабатларига ўташ молиявий ҳисоботларнинг элементлари бўлган актив ва пасивларнинг янги кўринишларини юзага келишига сабаб бўлди. Бухгалтерия ҳисоби тизимида янги тушунча номоддий активлар ҳисобини ташкил этилиши бюджетдан молияланадиган бюджет ташкiлотлари ҳисоб тизимида ҳам кириб келди.

Номоддий ёки (*intangible assets*) "кўринмас активлар" активлар таркибига жисмоний, ошкора шаклига эга бўлмаган, лекин хўжалик юритувчи субъектга даромад келтирувчи маблағлар киритилади.

**Номоддий активлар** — моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектларидир<sup>1</sup>.

Номоддий активлар таърифи активдан хўжалик фаолиятида фойдаланилиши ва жисмоний моҳиятга эга бўлмаслик (пул эмаслиги)ни тақозо қилади. Активларни юридик ҳуқуқлар, шу жумладан, мулк ҳуқуқи тарзида бўлган ва улардан узоқ муддат давомида фойдаланиш мумкин бўлган ҳолда жисмоний кўринишга эга бўлмаган активлар номоддий активлар таърифига жавоб беради.

Активнинг юридик ҳуқуқини белгилайдиган шартнома ушбу ҳуқуқ билан ифодалаш йўли билан белгиланиши мумкин эмас. Бундай активлар муҳим эканлигини белгилаш учун хўжалик юритувчи субъектга ушбу активдан қандай фойдалар олинишини аниқлаш имконини берадиган бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим.

Номоддий активларга патентлар, лицензиялар, «ноу-хоу», савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, гудвилл, ташкилий харажатлар, франшизалар, муаллифлик ҳуқуқлари, ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, хизмат кўрсатиш белгилари ва бошқалар киради.

Моҳиятига кўра номоддий активлар қаторига жисмоний шаклга эга бўлмаган, лекин корхона фаолиятида унинг бошқа активлари қаторида қатнашиб даромад келтирувчи маблағлар киритилади.

Патентлар, лицензиялар, савдо маркалари, савдо белгилари, муаллифлик ҳуқуқлари каби номоддий активларнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг тегишли юридик қонунлари билан тартибга солиб турилади.

Номоддий активларнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат: буюмлашган кўринишга эга эмаслиги; узоқ вақт давомида ишлатилиши;

---

<sup>1</sup> “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р. АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган

корхонага фойда келтириш; уларни ишлатишдан олиниси мумкин бўлган фойда ҳажмининг нисбатан юқори даражадаги ноаниқлиги.

Номоддий активларнинг моҳиятига кўра хусусиятларини кўриб чиқамиз: саноат интеллектуал мулк объектларига кашфиёт ҳуқуқи, саноат намуналари, товар белгилари, савдо маркалари, хизмат кўрсатиш белгилари киради. Кашфиёт ҳуқуқи кашфиёт эгасига қарор қабул қилиш учун махсус берилган ҳуқуқдир. Кашфиётларни муҳофаза қилишнинг энг кўп тарқалган тизими уларни патентлашдир.

**Патент** - бу юридик жиҳатдан тан олинган ва рўйхатга олинган мутлақ ҳуқуқдир. Патентга оид ҳуқуқ унинг эгасига ташқаридан бошқа шахслар аралашмаслиги шарти билан патент амал қиладиган буюмдан, жараён ёки фаолиятдан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва назорат қилиш имконини беради.

Халқаро амалиётда «**ноу–хоу**» тушунчаси бозор оборотида тижорат қадр - қимматга эга бўлган, исталган илмий, техникавий, ишлаб чиқариш (ташқил этиш ва бошқарув тизимини қўшган ҳолда) ахборотларини ўз ичига олиши мумкин.

Шунингдек, «**ноу–хоу**» ҳуқуқлари яъни техник-тажриба ёки ишлаб чиқариш сирлари ҳам саноат мулки объектларига тааллуқлидир. Бундай ҳуқуқлар, одатда, юридик кучга эга бўлган қандайдир ҳужжатлар билан тасдиқланмайди, лекин улар тижорат сири ҳисобланади ва махсус муҳофаза қилишни талаб этади.

Амалда ахборотларга монопол эгалик қилиш ҳуқуқнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади. «**Ноу - хоу**» ни муҳофаза қилиш шартлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ахборотнинг учинчи шахсга маълум бўлмаслиги унинг тижорий қадр-қимматига зарур шарт - шароит (замин) бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, у учинчи шахсларнинг бемалол киришлари учун ёпиқ бўлиши керак (қонун асосида). Учунчидан, ахборот эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш учун зарур чора - тадбирларни қўллаши лозим. Ушбу махфийлик шартларидан бирортасининг бузилиши ахборот эгасини уни ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади. «**Ноу-хоу**» эгаси ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва бошқа тегишли қонуний ҳужжатлар билан амалга оширилади.

**Савдо маркалари** - компанияларга, маҳсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошқа хил (аниқлаб берувчи) идентификациялар. Улар эғалик қилишни асослаш учун рўйхатга олинishi, рўйхатга олинганлари эса - уларнинг фаолият муддатларини маълум бир даврга узайтириш асосида янгилашиб бориши мумкин. Бундай ҳолларда номланишлар, рамзлар ва маҳсулотнинг бошқа аниқловчи идентификациялари юридик жиҳатдан ҳимояланади.

Савдо маркасини сотиб олиш чоғида тўланган пул маблағлари суммаси капиталлаштириб борилади. Унга ишлов бериш, уни ҳимоя қилиш, кенгайтириш, рўйхатдан ўтказиш ёки судда ҳимоя қилиш натижасида юзага келган суммалар ҳам капиталлаштирилади.

**Товар белгилари** бирорта корхона товар (хизмат)ларини бошқа корхоналар товарлари ёки хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилардир. Улар оғзаки, тасвирий, ҳажмли ва бошқача кўринишларда бўлишлари мумкин. Асосий фаолияти ҳар хил хизмат кўрсатишдан иборат бўлган (меҳмонхона, туристик бюро, транспорт корхонаси ва шунга ўхшаш) ташкилотлар томонидан фойдаланадиган хизмат кўрсатиш белгилари ҳам товар белгиларига тенглаштирилган. Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ишлатиладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматларга махсус (алоҳида) ҳуқуққа эғаликни тасдиқлайди. Бу белгилар товарларга ёки қадоқланган идиш(упаковка)ларга, чизмаларга, проспектларга, счётларга, бланкаларга, товарларни кузатувчи ёки уларни сотишга доир муомалалар билан боғлиқ ҳужжатлар ёрлиқларига туширилади.

**Товар белгиси гувоҳномаси** товар белгисидан фойдаланадиган шахснинг ҳуқуқини тасдиқловчи муҳофаза ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Фойдали модел ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг, шунингдек, улар таркибий қисмларининг конструктив бажарилиши каби

тавсифланади. Фойдали модел гувоҳномаси фойдали моделни ишлатиш учун унинг эгасига махсус ҳуқуқ берувчи муҳофаза ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

**Саноат намуналари учун ҳуқуқ** халқ истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш техник мўлжалдаги буюмларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган, бадий конструкторлик ечимлардан фойдаланиш ҳуқуқидир. Саноат намуналари жисмонан ҳажм эгаллайдиган модел (автомобил, самолёт, идиш, станок, мебел ва шунга ўхшаш), ёки ясси тасвири саноат расми (газмол, гилам, шрифт ва шунга ўхшаш) кўринишда бўлиши мумкин.

ЭХМ учун дастур таъминоти ва маълумотлар базасининг қиймати номоддий активлар сифатида уларни харид қилиш сарфлари ва корxonанинг ўзида ишлаб чиқиш сарфларини ифодалайди, шу билан бирга дастур таъминоти стандарт ёки буюртмали бўлиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олинади.

Дастур воситалари техник (шу жумладан дастур ва ишлатиладиган) ҳужжатлаштириш билан биргаликда маълумотларни ифодаловчи воситада намоиш этади. ЭХМ учун дастур таъминотларини ва маълумотлар базасини муҳофаза қилиш муаллифлик ҳуқуқи воситалари орқали амалга оширилади.

**Дастурий таъминот** — техник дастур воситалари, автоматлаштирилган бошқариш тизими бўйича техник ва фойдаланиш ҳужжатлари йиғиндиси;

**Гудвил** - Goodwill - бухгалтерлик ҳисоби оид адабиётларда ҳар хил номланади. Масалан, фирманинг баҳоси, фирманинг яхши номи, фирманинг амалий алоқалари ва бошқалар. Фирманинг амалий шуҳратига ҳар хил омиллар таъсир этади. Жумладан, харидорлар, кредиторлар ва хизматчилар билан муносабатлар, ишлаб чиқариш ва бошқарув тузулмаси, фирманинг жойлашган ўрни ва бошқалар. Номоддий активларнинг бу тури ўзининг мазмунига кўра сотган корхона балансида турган мулкларнинг баҳоси билан сотиб олган корхона томонидан тўланган ҳақиқий баҳо ўртасидаги фарқ сифатида ифодаланади. Кўришиб турибдики, номоддий активларнинг бу тури одатда бир корхона томонидан қандайдир бир бошқа бирон бир корxonани сотиб олишда вужудга келади.

Агар сотилаётган корхона ёки харидорлар фирма обрўсининг қийматини олдиндан билишни хоҳласалар, у ҳолда улар компания оладиган ўртача тармоқ фойдасидан ошадиган фойда нормасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқаришлари мумкин.

**Ташкилий харажатлар** - корхона фаолиятини ташкил қилиш чоғида қилинадиган харажатлардир. Унга бевосита тааллуқли бўлган харажатлар (масалан, юридик, бухгалтерия, девонхона ва ҳаракатланиш харажатлари) ташкилий харажатлар сифатида капиталлаштирилиши мумкин. Мазкур ҳолатда ушбу харажатларнинг келгуси даврда фойда келтириши капиталлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Фаолиятнинг биринчи йилида жами суммаларни харажатларга киритиш харажатнинг даромад билан мувофиқ келмаслигига олиб келади.

Ишлаб чиқариш фаолияти муддати ноаниқ деб ҳисобланиши боис ушбу харажатлардан фойда олиш даврини ҳам одатда аниқлаш мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам ташкилий харажатларнинг актив сифатида тан олиниши бизнеснинг аниқ турига бевосита боғлиқ бўлади. Ташкилий харажатлар, ихтиёрий танланган қисқа вақт даври мобайнида амортизация қилинади.

**Франшизалар** одатда ҳукумат органлари томонидан давлат мол-мулкидан (масалан, кабель телевидениеси компанияси) фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш учун ёки коммунал хизматлар кўрсатиш (электр энергияси), шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан аниқ мақсадлар ва аниқ хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилишлари учун берилади.

Франшиза тўғрисидаги ҳар бир шартнома франшиза ҳақиқий бўлиб ҳисобланадиган даврни, шунингдек франчайзор (фойдаланишга оид ҳуқуқ имтиёзини берувчи субъект)нинг ва франчайзи (ушбу имтиёзни оловчи субъект)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштиради.

Кўпинча франшизани олиш қиймати юқори бўлади ва одатда франчайзи франчайзорга унинг бошланғич қиймати капиталлаштирилиши ва ундан кейингина харажатлар юзасидан ҳисобдан чиқарилиши лозим. Агар у маълум бир муддат асосида чеклаб қўйилган бўлса, унинг қиймати оқилона ва мунтазам

тарзда мазкур давр учун амортизация қилиниши лозим. Агар маълум аниқ бир муддат белгиланмаган бўлса, амортизация қилиш унинг олдинги даврий баҳолари билан биргаликда аниқ белгиланган хизмат қилиш муддатига асосланиши лозим. Мазкур баҳолашлар олдинги баҳолашларнинг қайта кўриб чиқилиши заруратини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бироқ тўлиқ амортизация даври 40 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Имтиёздан фойдаланувчи субъект томонидан уни берувчи субъектга хизматларга оид йиллик ва жорий тўловларни (масалан, рағбатлантириш тадбирларида, ташкилий масалаларни ҳал қилиш борасида ёрдам кўрсатганлик учун) уларни келгусида ўлчанадиган фойда келтирмаслиги сабабли, илгари бўлган харажатлар бўйича ҳисобдан чиқарилиши лозим. Агар франшиза ўз қийматини йўқотса ёки қонун томонидан бекор қилинадиган бўлса, амортизация қилинмаган сумма зудлик билан зарар сифатида ҳисобдан чиқарилади.

**Муаллифлик ҳуқуқлари** - бу фан, адабиёт ёки санъат асарларини нашр қилиш, оммавий ижро этиш ёки бошқача тарзда фойдаланиш учун махсус бериладиган ҳуқуқдир. Муаллифга шахсан мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқлар бириктирилади. Муаллифнинг ҳаётлигида ёки ўлимидан сўнг бегона қилинмайдиган ёки бошқа бировга ўтказилмайдиган муаллифлик ҳуқуқи муҳим номулкий ҳуқуқ ҳисобланади.

Аввал айтиб ўтилганидек, булардан ташқари, номоддий активларга ер участкалари ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, илмий-Курс иши ва тажриба - конструкторлик ишлари учун қилинган узоқ муддатли харажатлар ва фирманинг амалий шухрати (мавқеи) киради. Ер участкалари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари улар эгаларининг тегишли равишда хўжалик фаолияти учун ёки бошқа мақсадда фойдаланишга алоҳида ҳуқуққа эгаллигини назарда тутди. Шунинг назарда тутиш керакки, ердан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллик мазкур ер участкасининг мулк қилиб олиншини билдирмайди. Корхона ушбу ердан сотиш ҳуқуқига эга бўлмасдан фойдаланиши мумкин.

Илмий Курс иши ва тажриба - конструкторлик ишланмалари у ёки бу муайян амалий мақсад ёки қўллаш соҳасига тегишли бўлмасдан буткул билимларни

оширишга кўмаклашадиган, асосан илмий - Курс ишилар натижасида олинган билимлардан фойдаланиш учун йўналтирилган амалий Курс ишилар: муайян буюмлар ёки жараёнлар сифатини яхшилаш, жорий қилиш учун ўтказиладиган тажриба - конструкторлик ишлари.

Номоддий активлар ҳақидаги маълумотларни балансида акс эттириш борасида ҳар хил мамлакатларда турлича ёндошувлар мавжуд, шунингдек бир хил иқтисодчиларнинг ўзларида бу маблағларга нисбатан қарама-қарши тушунчалар учрайди. Миллий ва халқаро стандартларда кўрсатилишича, у ёки бу бирликларни баланс активига қўшиш шундай ҳолларда бўлиш мумкинки, агар у тўғрисидаги маълумотлар ишончли ва унинг пулда баҳоланиши асосланган бўлса, агар шу бирликдан иқтисодий ресурслар ёки иқтисодий фойда олиш эҳтимоли мавжуд бўлса.

Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини ташкил этишдан мақсад сметалар ижроси жараёнида номоддий активлар ҳолати ва ҳаракати бўйича тегишли бухгалтерия ахборотларини шакллантиришдан иборат.

Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида номоддий активларни ҳисобга олишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- номоддий активларни амалдаги қонунчилик талаблари бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш;
- номоддий активларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;
- номоддий активларни бухгалтерия ҳисобварақларда ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш;
- номоддий активлар бўйича ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ахборотларини шакллантириб бериш.

Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисоби балансида олиниши манбаасидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган, бюджетдан ташқари (Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли,

ривожлантириш жамғармаси, бошқа махсус ) маблағлар ҳисобига алоҳида ташкил этилади;

- Бюджет ташкилотларида номоддий активларни балансга кирим қилиш ва чиқариш қатий қонунчилик тартибида амалга оширилади;

- Номоддий активларга амартизация ҳисобланмаслиги;


Умуман номоддий активлар ҳисобини бюджет ташкилотларида ташкил этишнинг хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. .

## **2. Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини ташкил қилишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш борасида ҳуқуқий асосларни шаклланишини таъминлаб берди. Ушбу қонун асосида ҳисоб объектлари бўйича бир неча низомлар қоидалар қабул қилинди (1.2.1-расмга қаранг). Шулар жумласидан номоддий активлар ҳисобини алоҳида қайд этиш лозим.

“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома”ни (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 22 декабрь 2010 йилда 2169-сон билан рўйхатдан ўтган) 2011 йил 1 январдан кучга кириши бухгалтерия

объектларини шу жумладан номоддий активлар ҳисобини халқоро стандартлар талаблари даражасида ҳисобини ташкил этиш имконияти юзага келди.



**1.2.1 – расм. Номоддий активлар ҳисобини меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома”га асосан бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини ташкил этишнинг ташкилий, техник, услубий жihatлари белгиланди. Бунда ушубу йўриқномага асосан номоддий активларни ҳисобда акс этириш талаблари қўлланиладиган бухгалтерия ҳужжатлари, счет ҳамда ҳисоб регистрларини юритилиши кўрсатилди. Ушбу йўриқномада Номоддий активлар - ташкилот томонидан

улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари эканлиги қайд этилди.

Йўриқномада номоддий активлар ҳисобини 030 счёти юритилиши ва тегишли бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартиблари белгиланган.

Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги услубий тавсиялари берилиши мумкин. Бюджет ташкилотлари томонидан ҳисоб сиёсатида номоддий активлар бўйича қўлланиладиган ишчи счётлар, ҳужжатлар айланиш графиклари тасдиқланиши мумкин.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳуқуқий асослар бевосита номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ бўлса, билвосита номоддий активлар ҳисобини ташкил этишни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга қатор қонуний ҳужжатларни келтириш мумкин.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қонунлари ҳам бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, харажатлар сметаси ижросини олиб бориш ва уни назорат қилиш, шунингдек бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни тузиш, тақдим қилиш ва бошқа бир қатор асосий қонунчилик нормалари айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар, жумладан, 1999 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори ҳам номоддий активлар ҳисобини ташкил қилиш жараёнини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг ҳисобланади. Чунки бюджет молиялаштиришнинг 4-гуруҳ харажаталари таркибида номоддий активларни яратиш ёки сотиб олиш масалалари назарда тутилади.

### **3. Номоддий активларни ҳисобда акс эттириш амалиёти.**

Бюджет ташкилоти томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари номоддий активлар сифатида қайд этилади.

Активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

а) моддий-ашёвий тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;

б) активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда ёхуд корxonанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узок муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш.

в) корхона ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламайди;

г) ишончлилик, яъни корхонада актив ва унга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномаси)нинг мавжудлиги;

д) идентификациялаш имконияти.

Номоддий актив идентификацияланадиган бўлиб ҳисобланади, агарда у қуйидаги мезонлардан бирига мувофиқ келса:

а) ажраладиган бўлса, яъни уни корхонадан ажратиб бўлса ҳамда сотиш, бериб юбориш, ижарага бериш, алоҳида ёки улар билан боғлиқ актив, контракт ёки мажбурият билан бирга айирбошлаш (гудвиллдан ташқари) мумкин бўлса.

Агар ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг (шу жумладан ўрнатилмаган) таркибий қисми ҳисобланса, у моддий актив аҳамиятига эга бўлган асосий восита билан бирга қаралади. Агар ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси тегишли асосий воситанинг таркибий қисми ҳисобланмаса ва мутлақ ҳуқуқ корхонага тегишли бўлса, у номоддий актив ҳисобланади;

б) ушбу ҳуқуқлар бериладиган ёки корхонадан ёхуд бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъи назар, шартномавий ва бошқа юридик ҳуқуқлардан пайдо бўлади.

Келгусида корхонанинг номоддий актив билан боғлиқ иқтисодий фойда олиш эҳтимоли фақатгина қуйидаги ҳолда мавжуд бўлади:

а) активнинг келгусида корхонанинг иқтисодий фойдаси (даромади)нинг кўпайтиришга қодирлиги, шунингдек корхонанинг активдан ушбу мақсадда фойдаланиш нияти исботланганда;

б) корхона кутилаётган келгусидаги иқтисодий фойдани топа олиши учун етарлича ресурслар мавжуд бўлганда ёки уларнинг ҳаммабоплигини исботлаш мумкин бўлганда.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Номоддий активларнинг инвентарь объекти бўлиб битта патентдан, гувоҳномадан, ҳуқуқдан воз кечиш шартномасидан ва шу кабилардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар жами ҳисобланади. Бир инвентарь объекти бошқасидан ажратилиши (идентификацияланиши)нинг асосий белгиси бўлиб, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда мустақил вазифаларнинг бажарилиши ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун ишлатилиши ҳисобланади. Иккита ёки бир нечта корхона мулкида бўлган номоддий активлар объекти ҳар бир корхона томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда номоддий активлар таркибида акс эттирилади.

Номоддий активларга юқоридаги талабларга жавоб берувчи қуйидаги объектлар киритилиши мумкин:

а) патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳуқуқи;

б) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

в) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлоқ ҳуқуқи;

г) ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи, шунингдек товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи;

д) ҳуқуқ эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

е) гудвилл

ж) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ва шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;

и) бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу кабилар).

Номоддий активларни баҳолашда қуйидаги баҳолардан фойдаланилади<sup>2</sup>(2.1.1-расм):

-бошланғич қиймат;

-сотиш қиймати;

-тугатиш қиймати.

- жорий қиймати.



### 2.1.1 расм. Номоддий активларни баҳолаш

<sup>2</sup> “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р. АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган

Бошланғич қиймат - номоддий активларни яратиш (ишлаб чиқиш) ёки сотиб олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қиймати (пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларининг суммаси ёхуд бошқа тўловларнинг жорий қиймати), шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга кўра фойдаланиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар қиймати.

Сотиш қиймати номоддий активларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Тугатиш қиймати - номоддий активнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда унинг фойдали хизмат муддати охирида активни тугатиш чоғида олиниши кутилаётган, активнинг тахмин қилинаётган (баҳоланган) суммаси.

Жорий қиймат - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича номоддий активларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, бир-бирдан мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Номоддий актив қийматини белгилаш мумкин бўлган ҳолларда у актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

Номоддий активларни қайта баҳолаш - номоддий активларнинг баланс (тиклаш) қийматини жорий бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

Ташкилот қайта баҳолашни агарда жорий қийматни фаол бозор маълумотлари асосида аниқ белгилаш мумкин бўлган шартларда қайта баҳолаш санасидаги жорий қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга ошириши мумкин.

Қайта баҳолашни етарлича мунтазамлик билан амалга ошириш лозим, токи баланс (тиклаш) қиймати баланс ҳисоботини тузиш санасидаги бозор қийматидан фарқ қилмасин.

Номоддий активни қайта баҳолаш чоғида ушбу қайта баҳоланаётган актив тааллуқли бўлган бир турдаги номоддий активларнинг барча гуруҳи қайта баҳоланиши керак, бундай активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда жорий (тиклаш) қиймати бўйича акс эттирилади.

Номоддий активнинг жорий қийматини номоддий активнинг ушбу тури бўйича фаол бозор нархлари асосида белгилаш мумкин.

Агар илгари қайта баҳоланган номоддий активнинг жорий қийматини фаол бозор маълумотлари асосида бошқа белгилаш мумкин бўлмаса, номоддий активнинг баланс қиймати жамланган амортизация чегирилган ҳолда, фаол бозор маълумотлари асосида унинг охириги қайта баҳоланган санадаги тиклаш қиймати бўлиши керак.

Номоддий активларни қайта баҳолашда жорий қийматни ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун корхонанинг ихтиёрига кўра қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин: а) тайёрловчи фирмалар ва уларнинг расмий дилерлари ҳамда ваколатхоналаридан ёзма шаклда олинган худди шундай номоддий активга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва номоддий активларни харид қилиш санасига Марказий банк курсларининг нисбати сифатида аниқланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда номоддий активларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда);

в) қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётлар ва шу кабиларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) тегишли номоддий активнинг қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

Қайта баҳолаш индекси номоддий активнинг жорий қийматини унинг бошланғич қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

Номоддий активлар бўйича синтетик ҳисоб 03 “Бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар” счётининг 030 “Номоддий активлар” субсчётида юритилади. Бу счётнинг дебет томонида номоддий активлар кирими қиймати, кредит томонида номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши қиймати акс эттирилади.

Корхоналарнинг номоддий активлардан фойдаланишга доир ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг ҳақиқатда мавжудлигини, балансда номоддий активларни тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлигини аниқлаш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш мақсадида корхоналар томонидан вақти-вақти билан, бироқ икки йилда камида бир марта номоддий активларни инвентарлаш ўтказилади.

Номоддий активларни инвентарлаганда қуйидагилар текширилиши зарур: ташкилотнинг улардан фойдаланишга доир ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги; номоддий активлар балансда тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлиги<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтганда номоддий активлар бухгалтерия ҳисобида актив сифатида эътироф этиш қонунчилик талаблари асосида тартибга солинади.

### **3. Номоддий активлар киримини ҳисобга олиш**

Бюджет ташкилотларида номоддий активлар қуйидагилар натижасида балансга киритилади:

- ишлаб чиқариш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш;
- олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- беғараз келиб тушиш;
- ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларга кўра.

Корхонанинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий

---

<sup>3</sup> 19-сонли БХМС “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” ЎзР Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833 сон билан рўйхатдан ўтган.

активларнинг бошланғич қиймати илмий Курс иши ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Номоддий активларни ишлаб чиқиш даврида уларни ишлаб чиқиш учун олинган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ишлаб чиқилган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Сотиб олинган, шунингдек ташкилотнинг ўзида яратилган номоддий активларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб олиш нархи (таннархи) ва уларга қилинган барча харажатларининг тўлиқ суммасида, жумладан мазкур номоддий активларни етказиб бериш ва ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа шу билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда киритилади. Жумладан, сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати куйидаги харажатлардан ташкил топади:

- ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;
- ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;
- божхона божлари ва йиғимлари;
- номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;
- номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;
- номоддий активлар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;
- активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ

харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида ҳисоботларда акс эттирилади.

Ташкилотнинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ушбу номоддий активларни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади.

Номоддий активлар чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинмишида сотиб олинаётган номоддий активларнинг қиймати операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан аниқланади.

Корхона томонидан бошқа шахслардан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати жорий қиймат бўйича аниқланади. Ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг бошланғич қиймати номинал қиймат бўйича ёки агарда номоддий активни фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар мавжуд бўлса, уларнинг суммаси бўйича аниқланади.

Номоддий активлар кирими ҳисоби бухгалтерия ҳисобида белгиланган тартибда бухгалтерия бирламчи, йиғма ва ҳисоб регистрларида акс эттирилади. Жумладан:


- номоддий активлар ташкилот томонидан яратилаганда номоддий активни барпо этиш тўғрисида шартнома, объектни барпо этишга кетган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар, объектни кирим қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома;

- Олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олишда ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисида шартнома, амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар, қабул қилиб олиш далолатномаси;

- Беғараз келиб тушиши бўйича ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисида шартнома, қабул қилиш далолатномаси, баҳолаш далолатномаси.

- Ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш бўйича инвентаризация далолатномаси.

Номоддий активлар кирими билан боғлиқ харажатлар хар бир инвентар объект бўйича жамланма қайднома тузилиб бухгалтерия маълумотномаси асосида АВ-6 шаклдаги инвентар карточка очилади, бухгалтерия ёзувлари берилиб 6-мемориал ордер ёки 274-сон шаклдаги мемориал ордер , мемориал ордерга асосан 308-сон шаклдаги бош журнал китоби ва ҳисобот шаклларига туширилади.



### **2.2.1– расм. Номоддий активлар кирими ҳисобини хужжатлаштиришнинг схематик кўриниши.**

Номоддий активлар кирими бўйича даслабки хужжатларга гувоҳномалар, юк хатлари ва бошқа тегишли хужжатлар мисол бўлади. Бу хужжатларга асосан хар бир инвентар объект бўйича алоҳида асосий воситалар сингари инвентар карточкалар очилади. Бир вақтни ўзида бухгалтерия ёзувлари берилиб мемориал ордерга туширилади ва бош журнал дафтарига ўтказилади. Бош журнал дафтарида молиявий ҳисоботнинг балансига туширилади.

Номоддий активлар бўйича синтетик ҳисоб 03 “Бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар” счётининг 030 “Номоддий активлар” субсчётида юритилади.


Номоддий активлар киримига оид бухгалтерия ўтказмалари<sup>4</sup>

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
<b>Ишлаб чиқариш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш- топшириш</b>				
	а) Номоддий активни яратилиши билан боғлиқ харажатлар суммасига	080	15-16 счётлар нинг тегишли субсчётл ари	Юк хати, бажарилаг ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси ва бошқалар
	б) Номоддий активларни дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши	030	080	Киримга олиш далолатномаси
<b>Олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш</b>				
1.	Номоддий активларни сотиб олиними: а) сотиб олиш қиймати ва бошқа сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар суммасига	080	15-16 счётлар нинг тегишли субсчётл ари	Юк хати, аванс ҳисоботи ва бошқалар
	б) Номоддий активларни дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши	030	080	Қайднома, бухгалтерия маълумотномас и
<b>Беғараз келиб тушиши</b>				
	Номоддий активлар беғараз	080	262	Юк хати,

<sup>4</sup> С.Мехмонов Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технологиялар 2012 йил 155 бет.

олинганда: а) белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати бўйича			баҳолаш далолатномаси
б) етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар суммасига, агар амалга оширилса	080	15, 16 ва 17- счётлар нинг тегишли субсчётл ари	Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси ва бошқалар
в) номоддий активларнинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши	030	080	Қабул қилиш далолатномаси
<b>Ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш</b>			
Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан номоддий активларни кирим қилиниши	030	273	Инвентаризаци я далолатномаси

Номоддий активлар ҳисобини бухгалтерия ёзувларида акс эттиришни куйидаги схема кўринишида акс эттириш мумкин (2.2.1-расм).



**2.2.2 – расм. Номоддий активлар киримига оид бухгалтерия ўтказмаларини схематик кўриниши.**

#### **4. Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш ҳамда номоддий активлар ҳолати ва ҳаракати бўйича ҳисоботларни тузиш.**

Номоддий активлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келгунига қадар ҳисобда акс эттирилади. Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган номоддий активлар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар қуйидагилар натижасида ташкилот балансидан ҳисобдан чиқарилади:

-тугатиш; -сотиш; -беғараз бериш; -камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;


-қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Номоддий активлар қуйидаги ҳолларда уларни тугатиш муносабати билан балансдан чиқарилиши мумкин:

а) фойдали хизматнинг белгиланган муддати тугаганидан (амортизация ажратмалари тўлиқ ҳисоблаб ёзилганидан) кейин;

б) тегишли давлат ваколатли органларининг қарорларига мувофиқ;

в) маънавий эскирган номоддий активлар;



#### **2.3.1- расм. Номоддий активларни тугатиш муносабати билан балансдан чиқарилиши**

Ташкилотларда уларни тугатиш муносабати билан номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун раҳбар томонидан тайинланадиган шахс раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига тегишли мутахассислар, бухгалтерия ходимлари ва ташкилотнинг моддий жавобгар шахслари киритилиши керак. Комиссия ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тузилади.

Уларни тугатиш муносабати билан номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузиладиган комиссия қуйидаги ваколатларга эга бўлади:

а) ҳисобдан чиқариладиган номоддий активларнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириб, бунда мутлақ ҳуқуқларни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар (патент, паспорт ва бошқа ҳужжатлар), шунингдек бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланади;

б) уларни тиклашнинг мумкин эмаслиги ёки иқтисодий мақсадга номувофиқлигини белгилайди;

в) номоддий активларни ҳисобдан чиқариш сабабларини белгилайди (амортизация ажратмаларини тўлиқ ҳисоблаб ёзиш, фойдаланишнинг нормал шароитлари бузилиши, табиий офатлар ва ҳоказо);

г) номоддий активларнинг фойдаланишдан муддатдан аввал чиқиб кетишида айбдор бўлган шахсларни аниқлайди.

Номоддий активларни сотиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва улар сотувчи ташкилот балансидан баланс қиймати бўйича чиқарилади

Номоддий активларни текинга бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва улар текинга берадиган ташкилот балансидан баланс қиймати бўйича чиқарилади

Номоддий активлар ташкилотлар балансидан инвентаризациялаш чоғида камомад ёки талафотлар аниқланиши муносабати билан баланс қиймати бўйича чиқарилади.

Ташкилотларда номоддий активларни камомад ёки талафотлар аниқланиши муносабати билан балансдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида 2004 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 37-сон, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2004-26-сон, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20/1-сон қарори билан тасдиқланган Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ акс этирилади.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш учун қуйидаги хужжатлар расмийлаштирилади:


тугатиш бўйича амал қилиш муддати тугаганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилганда – ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома;

сотиш бўйича – шартнома, ҳақ олинганлигини тасдиқловчи тўлов хужжатлари, чиқиб кетиш тўғрисида далолатнома;

беғараз берилиш бўйича - чиқиб кетиш тўғрисида далолатнома;

камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши бўйича – инвентаризация далолатномаси.

Номоддий активларни чиқиб кетишига оид бухгалтерия хужжатларига асосан бухгалтерия ёзувлари берилиб 274-сон шаклдаги мемориал ордер расмийлаштирилади. Мемориал ордерга асосан 308-сон шаклдаги бош журнал китоби ва ҳисобот шаклларига туширилади.



**2.3.2-расм. Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилишига оид бухгалтерия хужжатларининг схематик кўриниши.**

Номоддий активлар балансдан чиқарилишида ўрнатилган тартибда далолатнома ёки бухгалтерия маълумотномаси расмийлаштирилиб тегишли қайдномаларга туширилади ва бухгалтерия ёзувлари берилиб мемориал ордер ва бош журнал дафтарига туширилади.

Номоддий активларни балансдан ҳисобдан чиқарилиши 030 “Номоддий активлар” субсчёти кредитида ва тегишли харажат счётлари ёки бошқа тегишли субсчётларнинг дебитида акс этирилади (2.3.1-жадвал).

**2.3.1 жадвал**

**Номоддий активлар балансдан чиқарилиши бўйича бухгалтерия  
ўтказмалари<sup>5</sup>**

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
<b>Тугатиш</b>				
	Муддати тугаши ёки яроқсиз ҳолга келганлиги муносабати билан номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишлиси	030	Ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома
<b>Сотиш</b>				
1	Номоддий активни сотиш: а) дастлабки қийматини ҳисобдан чиқарилиши	201	030	Ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома
	б) номоддий активнинг сотиш қиймати	15-счётнинг тегишли субсчётлари	201	Юк хати
	г) пул маблағларини келиб тушиши	113	15-счётнинг тегишли субсчётлари	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма
	д) номоддий активни сотилишидан кўрилган ижобий молиявий натижа (даромад)	201	272	Бухгалтерия маълумотномаси
	е) номоддий активни сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишлиси	201	Бухгалтерия маълумотномаси
<b>Беғараз бериш</b>				
	Беғараз берилиши муносабати билан номоддий активларни ҳисобдан	231, 241, 251, 261	030	Ҳисобдан чиқариш

<sup>5</sup> С.Мехмонов Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технологиялар 2012 йил 156 бет

	чиқарилиши	ёки 271 субсчётл ар-нинг тегишли си		тўғрисида далолатнома
<b>Камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши</b>				
1	Инвентаризация натижасида камомад чиққан номоддий активлар суммасига	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётл арнинг тегишли си	030	Инвентаризаци я далолатномаси
2	Инвентаризация натижасида камомад чиққан бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки сотиб олиниш манбаси ноаниқ бўлган номоддий активлар суммасига (агарда моддий жавобгар шахсдан ундирилса):	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётл арнинг тегишли си	030	Ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома
	а) кам чиққан номоддий активнинг қийматини ҳисобдан чиқарилиши			
	б) айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	170	160	Бухгалтерия маълумотномас и
	в) айбдор шахс томонидан камомад суммасини тўланиши	пул маблағл арини ҳисобга олувчи субсчётл ар	170	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма
	г) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши	160	пул маблағл арини ҳисобга олувчи субсчётл ар	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма
3	Моддий жавобгар шахс камомад чиқишида айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда номоддий актив бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса):	170	030	Бухгалтерия маълумотномас и

	а) кам чиққан номоддий активнинг қийматини ҳисобдан чиқарилиши			
	б) агарда, мазкур номоддий активнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кам бўлса	170	272	Бухгалтерия маълумотномаси
	в) агарда, мазкур номоддий активнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кўп бўлса	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишлиси	170	Бухгалтерия маълумотномаси
	г) айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар	170	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма

Номоддий активлар бўйича ахборотлар номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботда ташкилотнинг ҳисобот йили мобайнидаги номоддий активларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни шакллантирилади.

Мазкур ҳисобот шаклини тузишдан олдин ташкилотлар:

- ҳисобот йили бошига мавжуд номоддий активларнинг тўғрилигини (асосланганлигини);

- йил мобайнида ташкилотга кирим бўлган ва ташкилотдан чиқим бўлган барча номоддий активларни (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби бўйича алоҳида ҳолда) ҳисоб регистрларида ("номоддий активлар бўйича айланма ведомост" 326-шакл, "Моддий қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси) 296-шакл, "Бош журнал китоби" 308-шакл ва бошқа тегишли регистрларда) тўғри акс эттирилганлигини;

- кирим ва чиқим операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини ва тўлиқлигини текшириб чиқадилар.

Ушбу ҳисоботда номоддий активлар тўғрисида маълумотлар "Бош журнал китоби" (308-шакл) ва бошқа номоддий активлар ҳисоби юритиладиган ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тўлдирилади. Ҳисоботда номоддий активларнинг (бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинганлиги кўрсатилган ҳолда) йил бошига мавжуд қолдиғи, ҳисобот йили мобайнида кирим бўлган номоддий активларнинг қиймати ва чиқим бўлган (ҳисобдан чиқарилган)ларининг қиймати, шунингдек, ҳисобот даври охирига ташкилотлар балансидаги мавжуд қиймати кўрсатилади.

### **Хулоса**

Бюджет ташкилоти томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари номоддий активлар сифатида қайд этилади.

Бу ҳисоб объекти бюджет ташкилотларида охириги услубиётдаги ислохатлар натижасида киритилган бўлиб улар ҳисобини алоҳида ташкил этиш талаб этилади

Реферат ишида номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш услубиёти назарий ва амалий жихатдан ўрганилиши натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисоби балансга олинishi манбаасидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган, бюджетдан ташқари (Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли, ривожлантириш жамғармаси, бошқа махсус ) маблағлар ҳисобига алоҳида ташкил этилади;

2. Бюджет ташкилотларида номоддий активларни балансга кирим қилиш ва чиқариш қатий қонунчилик тартибида амалга оширилади;

3. Номоддий активларга амартизация ҳисобланманмайди.

Бюджет ташкилотлари ҳисоб тизимида амалга оширилаётган ислохатлар жараёнида номоддий активлар ҳисобини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Номоддий активларни ҳисобда актив сифатида қайд этишни йўриқнома талабларига қатий амал қилган ҳолда амалга ошириш;

- Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини базавий тамойилларини ақс эттирувчи алоҳида Давлат сектори бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини ташкилий, техник ва услубий жихатларини ақс эттирувчи алоҳида мутахассислар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

- бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан балансга кириш қилинган номоддий активлар ҳаракати ҳамда ҳолатини ақс эттириш учун ишчи счётлар режасини тузиб олиш;

- бюджет ташкилотларида номоддий активлар сақланишини таъминлаш бўйича материал жавобгар шахслар томонидан ҳар ойда ҳисоботларни топширилишини йўлга қўйиш ва назорат қилиш;

- Бюджет ташкилотларида номоддий активлар бўйича 19 сонли «Инвентаризацияни ташкил этиш ва утказиш» Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан инвентаризация утказиш режа графигини тузиш ва уни бажарилишини таъминлаш;

- Номоддий активлар ҳисобини автоматлаштирилган шаклда ташкил этиш.

- Бюджет ташкилотларида номоддий активлар бўйича ички аудит услубиётини шакллантириш;

Келтириб ўтилган таклиф ва тавсиялар бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисобини такомиллаштириш имкониятини беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **1. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, № 279-І сонли.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни, № 664-ІІ сонли.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, № 158- ІІ сонли
4. “Солиқ кодекси” Ўз.Р 2007 йил 25 декабрдаги №ЎРК-136 – сон ЎзР. қонуни билан тасдиқланган
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
6. “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида” Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган.
7. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси қодалари” ЎзР АВ. томонидан 2009 йил 16 сентябрда № 2007 - сон билан рўйхатдан ўтган;
8. “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом” Ўз.Р АВ. томонидан 2004 йил 14 январда № 1297-сон билан рўйхатдан ўтган;
9. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 19-сонли «Инвентаризацияни ўтказиш ва ташкил этиш» миллий стандарти. ЎзР АВ. томонидан 1999 йил 2 ноябрда № 833 - сон билан рўйхатдан ўтган.
10. “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги 37,2004-26,20/1-сонли қўшма қарори.
11. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган.

12. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари:**

13. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.: “Ўзбекистон” 2009й

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

## **Махсус адабиётлар:**

16. Мехмонов С., Д.Убайдуллаев. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: Сано-Стандарт. 2013 йил.

17. Мехмонов С.У. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технология. 2012 й.

18. Останақулов М. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009.

19. Останақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009.

20. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008.

21. Иқтисодий журналлар 2009-2013 йиллар.

22. Интернет сайтлари:

- [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

- [www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)

- [www.buh.ru](http://www.buh.ru)

